# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 91 (8.826) ◆ 1996 йил ◆ 2 август, жума ◆ Сотувда эркин нархда


## ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Уй-жой қурилишига — давлат мадади

### ХОХЛАГАНИНИ ТАНЛАБ ОЛИНГ

***«Тошкентуйжойжамғармабанк»ига мурожаат этаётганларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Йил бошида Президентимиз томонидан чиқарилган Фармон кўплаб ҳамшаҳарларимизга ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитларида уй-жойли бўлишлари учун зарур шарт-шароитлар яратди. Тошкентликлар бу қулай имкониятдан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда.***

Куннинг биринчи ярмида банкнинг ҳамма бўлимларида иш қизғин бўлади. Уй-жой масаласида биринчи бор мурожаат этаётганлар танишувни 4-хонадан бошлашади. Бу ер маркетинг бўлими бўлиб, уни Равшан Нарзуллаев бошқаради. Бўлимда 8 киши меҳнат қилади. Уларнинг ҳар бирининг олдида қуриладиган уйнинг лойиҳаси, қаерда қурилиши ва уларга тўланадиган ҳақ-таърифи мавжуд. Ходимларнинг айримлари компьютер ёрдамида ишлашади.

Компьютерни бошқараётган ходим олдида ўтирган аёлни суҳбатга тортдик. У ўзини Жамила Соипова деб таништирди.

— Ҳозирги яшаб турган жойимиз Жарариқ даҳасида. Лекин бизга кўпроқ Форобий кўчасида қуриладиган уйлар лойиҳаси ёқди. Икки-уч кун аввал келиб, тўлиқ маълумотни компьютер орқали билиб, тўрт хонали уйнинг биттасини банд қилиб кетдик. Банк ходимлари уйнинг дастлабки тўлов қиймати тўланмагунча уй банд бўлмайди, деб биз тушунмаган бошқа маълумотларни ҳам беришди. Зудлик билан ҳаракатимизни қилдик-да, тўрт хонали уй учун пул тўплаш мақсадида ҳисоб дафтарчамизни очиб қўйдик. Ҳозирги кунда бизга аталган уйнинг ертўласи қазила бошлаганлиги ҳақидаги маълумотни ҳам билиб, қувончимизга қувонч қўшилди. Чунки давлат томонидан бошланган иш тез амалга ошишига, ҳеч бўлмаганда келгуси йил баҳорида янги уйга кўчиб киришимизга ишончим комил. Шунингдек уйлар пишиқ ғиштдан ва тўрт қаватдан иборат.

— Айтингчи, ука, менга ҳам Форобий кўчасида қурилаётган уйлардан бера оласизларми? — деб сўраб қолди янги қуриладиган уйларнинг макети билан танишаётган бир аёл.

— Бўлмасамчи, фақат сиз аввал банк қонун-қоидалари билан танишинг, сўнгра тўланадиган маблағ масаласини ҳал этиб, ҳисоб дафтарчаси очганингиздан сўнг, шу ерда қурилаётган уйларнинг биридан хонадон олиш ҳуқуқига эга бўласиз, — деб жавоб қайтарди банк ходими.

Фурсатдан фойдаланиб, мурожаат этаётган аёлни суҳбатга тортдик.

— Исмим Ноила, фамилиям Ҳикматова, икки ўғлим, умр йўлдошим билан «Сергели-8» даҳасида яшаймиз. Яшаб турган жойимиз ёмон эмас, аммо Форобий кўчасида қурилаётган уйлар иш жойимизга ва болалигимиз ўтган жойларга яқин. Шунинг учун ҳам шу ердан уй олишга қарор қилдик. Бозор иқтисодиёти шароитида бошқа масалалар қатори уй-жой масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратган юртбошимизга минг раҳмат.

Ноилахон банкдан олган маълумотларини оила аъзоларига етказиш учун чиқиб кетди, биз эса бўлим иши билан яқиндан таниша бошладик. Кузатув жараёнининг ўзида 20 дан зиёд фуқаро, ўнга яқин ташкилотлар вакиллари мурожаат этишди.

Компьютер тугмалари босилиши билан қайси кўчадаги уйнинг нечанчи қаватидаги хонадон бўшлиги ва унинг лойиҳаси ҳақидаги маълумотлар экранда намоён бўлади. Бизни уй-жой масаласида мурожаат этганлар қизиқтираётганини айтганимизда бир зумда саволимизга жавоб олдик.

— 18 июлга қадар 336 нафар фуқаро банк ҳисобидаги ҳисоб дафтарчаларини очиб, биринчи тўловнинг 20 фоизини тўлаш имкониятига эга бўлди, — деб изоҳ бера бошлади маркетинг бўлими ходими Шуҳрат Аҳмедов. Эндиликда улар қурилаётган уйларнинг қай биридан хоҳлашса, ўзларига ёққан қаватларидан уй олишга ҳақлидирлар.

Ариза топширганлар ва фақат ҳисоб дафтарчаси очганлар эса 457 тани ташкил этади. Булар орасида 4 та юридик ташкилот бор. Банк ҳисобига фуқаролар томонидан 54 миллион 320 минг сўмдан зиёд пул топширилган. Бу маблағлар жойларда ажратилган майдонлардаги қурилишга сарфланмоқда. «Тошкентуйжойжамғармабанк»и томонидан тушган буюртмалар қурилишига «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси, «Ўзсаноатфуқароқурилиш» ҳамда «Ўзагроқурилиш» трестларининг бунёдкорлари бош пудратчилик қилишаётир.

Шаҳар ҳокимлиги томонидан ажратилган қуйидаги жойларда бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Энг аввало яқин кунларда Миробод даҳаси Госпиталь кўчасидаги ва Беруний кўчаси «Марказ — 26» даҳасидаги 2 йўлакли 16 хонадонга мўлжалланган уйлар фойдаланишга топширилади.

Форобий кўчасидаги Онкология институти боғидан ажратилган 4 гектарли майдонда 4 та, Миробод тумани 1-Полторацкий тор кўчасида 5 та, Мирзо Улуғбек тумани Поленова кўчасида 5 та, Акмал Икромов тумани Фарҳод кўчасидаги «Г-12» даҳасида 2 та, Чилонзор-24 даҳасида, Лутфий кўчасида 3 та 4 қаватли ғиштли уйлар қурилиши бошланди. Дастлабки бунёдкорлик ишлари бош пудратчилар томонидан амалга оширилмоқда. Энг асосийси банкнинг иш фаолияти билан танишиб кетган фуқаролар бошқаларга ҳам тарғибот борасида тўғри тушунча бераётганлари сабабли ҳам буюртмачилар сони тобора ортмоқда.

Гулзода МАМБЕТОВА.



*Шаҳримиздаги бир қанча кичик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тобора харидоргир бўлмоқда. Чунки бу корхоналарда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар ўз зиммаларидаги масъулиятни тўғри тушуниб бозор шароитида сифатли маҳсулот тайёрлашмоқда. Шундай кичик корхоналардан бири «Агама» дир. Бу ерда трикотаж матолардан кийимлар тикиб чиқарилади. Тикувчиларнинг асосий қисмини энг юқори малакали ишчилар ташкил этади. Шунинг учун ҳам бу жамоада тайёрланаётган маҳсулотларнинг бозори чаққон.*

*СУРАТДА: «Агама» кичик корхонасининг тикув цехида.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

## ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ КЎПАЯДИ

Очиқ турдаги «Фотон» акционерлик жамияти ишчи-хизматчилари ишлаб чиқаришда энг муҳим мезон — маҳсулотнинг сифатли бўлиши кераклигини тушуниб етишмоқда.

Кейинги вақтда бу жамоада икки хил турдаги назорат касса аппаратлари ишлаб чиқарилди. Уларнинг бири Греция билан, иккинчиси эса Болгария билан ҳамкорликда тайёрланган.

Вазирлар Маҳкамасидаги мажлисда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга биринчи даражали эътибор берилганлиги ҳисобга олиниб, уларни ишлаб чиқаришда тобора изланишлар олиб борилаётир. Масалан, болалар учун электрон-мусиқа ўйинининг икки хил тури, «Фотон» радиоприёмниги, «Спектр» ва «Электрон-214» телефон аппаратлари, «Искра» электрон ёққич, фонарларни ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган.

Ишлаб чиқариш жараёнидаги бундай ўзгаришларнинг замирида, албатта, корхонанинг ҳиссадорлик жамиятига ўтиб ишлаши, ишлаб чиқаришдан олинаётган фойданинг асосий қисми ишчилар эҳтиёжига сарфланаётганидадир.

Жамоа аъзолари мустақиллигимизнинг беш йиллиги олдидан яна бир неча турдаги халқ истеъмоли буюмларининг намунавий турларини ишлаб чиқариб, халқимизга байрам совғаси тариқасида тортиқ этиш ниятидадирлар.

Гулчеҳра МУРОДОВА.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

○ ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР ○ ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР ○

## УНУТИЛМАС СОВҒА

***Айни кунларда пойтахтдаги кўплаб корхоналар қаторида Тошкент бадиий буюмлар ҳиссадорлик жамиятида ҳам ишлар қизғин. Истиқлолнинг 5 йиллиги ва соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида 14 хил янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.***

— Амир Темур тасвири туширилган панно, Тошкент услубидаги миллий каштaлар, шунингдек, ҳар хил дўппиларга талаб катта бўлаётир, — дейди корхонанинг бош муҳандиси Абдурашид Алимбоев. — Ушбу маҳсулотларга бошқа вилоятлардан ҳам буюртмалар тушаётир. Яқинда жиззахлик харидорлар корхонамиз маҳсулотларидан кўп миқдорда сотиб олдилар. Корхонамизда тайёрланаётган янги маҳсулотлар тўй-тантаналар, миллий услубдаги масканларни безабгина қолмай, юртимизга ташриф буюрувчи хорижлик меҳмонлар учун ҳам унутилмас совға бўлиши шубҳасиз.

Ботир ҲАСАНОВ.

## ТАНЛОВЛАР, КЎРГАЗМАЛАР

***Шу кунларда республикамизда Мустақиллик кунига тайёргарлик ишлари авж олмоқда. Тошкент Давлат техника университетида ҳам ушбу санани муносиб кутиб олиш учун махсус режа тузилиб, шу асосда тадбирлар ўтказиляпти.***

Истиқлол туфайли ўлкамизда рўй берган ўзгаришлар тўғрисида давра суҳбатлари, кўзга кўринган олимлар, ёзувчи, шоирлар билан учрашувлар ташкил этилди. «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзусида талабалар реферат ёзишди. «Ватанни севмоқ иймондандир» мавзусидаги кўрик-танловда қатнашган автоматик ҳисоблаш техникаси 2-курс талабаси Зоҳид Ҳакимов фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Иқтисод-муҳандислик факультети 4-курс талабаси Марат Мирзаев Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Улуғбек» жамғармаси билан ҳамкорликда эълон қилган «Ўзбекистон — Ватаним, ифтихорим, шон-шарафим» кўрик танлови нишондори бўлди.

Республика миқёсидаги «Истеъдодларни излаймиз» кўрик-танловида дизайн соҳасида иқтисод-муҳандислик факультети 4-курс талабаси Азиз Азизқориев биринчи ўринни олди. Мустақиллик кунига бағишланган махсус бадиий кўргазма очилди. Унда истиқлол туфайли халқимиз ҳаётида рўй берган ўзгаришлар ўз бадиий ифодасини топган. Шунингдек, улуғ бобокалонимиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига ҳам қизғин ҳозирлик кўриляпти. Университетда соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазма ташкил этилди.

Мавлуда МИРЗАЕВА.

Олимпиада кундалиги

## БЎШ КЕЛМА, КАРИМ!

Atlanta 1996



Олимпиаданинг сўнгги кунларида кутилганидек, беллашувлар ниҳоятда қизғин кечмоқда. Ҳал қилувчи дақиқалардан унумли фойдаланиш мақсадида спортчилар бор куч ва маҳоратларини ишга соляптилар. Бокс бўйича мусобақаларда чорак финалда рингга чиққан юртдошимиз Карим Тўлаганов яққол устунлик билан рақиби Кадо (Сейшел ороллари) устидан ғалаба қозониб, ярим финалга йўлланма олди.

Боксчимиз ҳақида қисқача маълумот: Карим Тўлаганов Тошкент вилоятининг Зангиота туманида 1973 йилда туғилган. Унинг оиласида спорт, айниқса боксга қизиқиш жуда катта. Акаси Раҳим (1971 йилда туғилган) бокс бўйича спорт устаси. Унинг 1975 йилда туғилган укаси ҳам яқинда бокс бўйича спорт усталиги талабини бажарди. Карим тўққиз ёшидан халқаро миқёсдаги спорт устаси Феликс Пак мураббийлигида шуғуллана бошлаган. У ўтган йили Таиландда Қирол кубоги ва Сеулда ўтказилган халқаро турнирларнинг ғолибидир. Айни пайтда умидли боксчимизга Жаксон номли бокс мактабида тажрибали мураббий Ҳасан Муҳамедов устозлик қилмоқда. Карим Тўлаганов бугун ярим финал учрашувида рингга чиқади. Ҳозирнинг ўзидаёқ эса битта натижа равшан: Карим энг камида бронза медални нақд қилиб қўйди!

Эшкакчиларимиздан Акром Жўрабоев ва Виталий Аносовлар жуфтлиги (К—2) 500 метрлик пойгада пешқадамлик қилиб, ярим финалга чиқдилар. Каноэчи Евгений Астанин ҳам худди шу масофадаги (С—1) пойгада ғолиб чиқиб, ярим финалга йўлланма олди. Ўн курашчимиз Рамиль Ғаниев мусобақаларнинг беш туридан сўнг 4411 очко жамғариб, еттинчи, Олег Веретельников эса 3954 очко билан 29-ўринда бормоқдалар.

Велопойга. Шосседа якка тартибдаги пойгада Жамолиддин Абдужабборов 197 километр масофада маррага йигирманчи бўлиб келган 84 та олимпиячи гуруҳидан жой олди. Бу пойгада швейцариялик Р. Пассол улардан деярли уч дақиқа эрта келиб, олтин медални қўлга киритди.

Полвонимиз Дамир Захардинов эркин кураш беллашувларида саккизинчи ўринни эгаллади.

Беҳзод ЭГАМОВ.

***СУРАТДА:** боксчи Карим Тўлаганов.*

Футбол

## «БАЙНАЛМИЛАЛ»НИНГ ЯНГИ ҒАЛАБАСИ

***Санкт-Петербург шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ногирон футболчилар командалари ўртасида олий лига биринчилигининг II тур ўйинлари бўлиб ўтди.***

Унда Москванинг «Спартак», «Минкас» командалари, Барнаулдан «Олтой», «Экспоспорт», Кемероводан «Кузбасс», Владикавказнинг «Иристон», Украинадан «Афғон» ҳамда Ўзбекистондан «Байналмилал» (Тошкент) ногирон футболчилар командалари қатнашди.

Бу турда ҳам «Байналмилал» маҳоратли ўйин намойиш этиб, ҳаммани лол қолдирди ва 16 очко тўплаб, биринчи ўринни эгаллади. Апрель ойида Россиянинг Волгоград шаҳрида бўлган биринчи турда ҳам командамиз энг юқори ўринни эгаллаган эди.

«Байналмилал»нинг бундай ютуқларга эришувига команда раҳбарлари Игорь Крицкий ва Павел Сулаймонов ҳамда бош мураббий Ҳамидулла Ориповнинг хизматлари катта. Шу йилнинг сентябрь ойида Москва шаҳрида олий лиганинг ҳал қилувчи III тур ўйинлари бўлиб ўтади.

Илҳом ШЕРМУҲАМЕДОВ.

Ўқув йили тараддуди

## ЎЗБЕК ТИЛИДА БИРИНЧИ МАРТА

Янги ўқув йилига мактабларда қизғин тайёргарлик ишлари кетяпти. Шу кунларда бир неча янги дарслик ва қўлланмалар мактаб кутубхонаси учун чоп этилди.

Жумладан, Қори Ниёзий номли Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директорининг ўринбосари, профессор Абдуқаҳҳор Абдуқодиров ҳамда Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги 128-лицей ўқитувчиси Анвар Ҳайитовларнинг «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти томонидан 8-9-синфлар учун «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асосларидан машқлар тўплами» ўзбек тилида биринчи марта чоп этилди.

Алоҳида икки китобдан иборат бу тўплам қарийб бир миллион нусхада нашрдан чиқди. Унда ҳар бир мавзуга мос машқлар берилган бўлиб, яхлит тизим сифатида шакллантирилган. Бу эса мактабда ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлигини оширишга имкон беради.

Бахтиёр КАРИМОВ.



*Бугунги Тошкент.*

*Яккасарой туманидаги бири-биридан кўркам бинолар.*

## ЁШ МУСАВВИР ИЖОДИ

***Ўзбекистон Республикаси Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциациясида афғонистонлик ёш мусаввир Ёр Муҳаммад Тарақийнинг асарлари кўргазмаси очилди.***

Маросимни ассоциация раисининг ўринбосари Насиба Иброҳимова кириш сўзи билан очиб, тили, дини, қадриятлари тарихан муштарак бўлган ўзбек ва афғон халқларининг дўстона қўшничилик муносабатларининг илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалиши ҳамда кўргазма икки халқ ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлашга ҳисса қўшишини таъкидлаб ўтди.

Мусаввир бир неча йиллар мобайнида Тошкент давлат санъат институтининг рассомлик факультетида илм олган. Унинг мусаввир бўлиб етишишида институтнинг профессор-ўқитувчилари, рассомлари, жумладан Ўзбекистон халқ рассоми Неъмат Қўзибоевнинг меҳнати сингган. Мусаввирнинг «Қишлоқ онаси», «Сарой», «Шарқ натюрморти», «Манзиллар кесишганда» каби тасвирий асарлари кўпчилик эътиборини ўзига жалб этади.

Нозима ИСМОИЛОВА.

## «ТЎЙ ЛИБОСЛАРИ»

***Мустақил юртимизда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш турлари кўпайиб бормоқда. Яқинда пойтахтимизнинг «Буюк ипак йўли» кўчасида «Тўй либослари — люкс» фирмасининг очилгани фикримизнинг далилидир.***

«Ўзмаиший хизматуюшма» тизимида фаолият кўрсата бошлаган ушбу фирма аҳолига тўй либосларини ижарага беради. Малайзиялик модельер-дизайнерлар билан шартнома асосида тикилаётган келинларнинг тўй кўйлаклари, бош кийимлар, кўлқоплар бежиримлиги, ўзига хос бичимда тайёрланаётгани билан алоҳида ажралиб туради. Хоҳловчилар тўй либосларини сотиб олишлари ҳам мумкин.

Яқинда фирманинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Йиғилганлар салондаги кўргазмалардан ўрин олган тўй либослари, ёш келин-куёвлар ФҲДЁ маросимига боришига мўлжалланган, каптарлар сиймоси, лента ва гуллар билан безатилган енгил автомашиналарни томоша қилдилар.

Саъдулла ШОДИЕВ.

## БУГУНГИ КУН «ТО» «ТО» НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Наманган вилояти ғаллакорлари қабул пунктларига 169 минг тонна дон етказиб бериб, давлат буюртмасини бажардилар.

❑ «Асакатўқимачи» акциядорлик жамиятида хориждан келтирилган 36 та юксак унумли тўқув дастгоҳи ўрнатилди. Бу корхонада газлама ишлаб чиқаришни ойига 50-55 минг квадрат метрга етказиш имконини берди.

❑ Сурхондарё вилоятидаги Шўрчи тумани марказида Амир Темурга ҳайкал ўрнатилди.

❑ «Ўзбектелефильм» «Амир Темур» бадиий-публицистик фильмини суратга олишга киришди.

❑ Тошкентда Қувайт хайрия жамғармасининг бўлими иш бошлади.

❑ Хиванинг 2500 йиллигига тайёргарлик кўриш дастурига мувофиқ шаҳардаги энг кўркам тарихий ёдгорлик — Исломхўжа мадрасасини таъмирлаш ниҳоясига етмоқда.

❑ «Дўстлик карвони» талабалар ҳаракати доирасида Тошкентга Япониянинг Фукуй префектурасидан ёшлар меҳмон бўлиб келишди.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Чеченистоннинг расмий раҳбари Доку Завгаев шу ойда Чеченистон Республикасининг алоҳида мақоми тўғрисида Россия маъмурлари билан шартнома имзоланиши тўғрисида баёнот берди.

❑ Сўнгги пайтда Чеченистонда Жохар Дудаев тирик, деган миш-мишлар кўпайди. Бунга жавобан Россия маъмурлари яқин кунларда Чеченистонда Жохар Дудаевга ўхшаш кимса пайдо бўлиши эҳтимолдан холи эмаслигини маълум қилдилар.

❑ Бокуда БМТ вакиллари Озарбайжон ҳукумати билан Сумгаитда эркин иқтисодий зона ташкил этиш лойиҳасини муҳокама этдилар.

❑ 1 августдан эътиборан Россияда хориждан олиб келинаётган дори-дармонларга бож тўлови миқдори оширилди.

❑ Ўтган куни Украина ҳарбий-ҳаво кучларининг МИГ—29 қирувчи самолёти ҳалокатга учради. Унинг учувчиси ҳалок бўлди.

❑ Ўш вилоят драма театри Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» спектаклини саҳналаштирди. Амир Темурнинг 660 йиллик тўйи кунларида уни Бишкекда ҳам намойиш этиш мўлжалланяпти.

### ХОРИЖДА

❑ Эстония ҳукумати президент сайловини ўтказиш учун 26 августда парламентнинг навбатдан ташқари сессиясини чақиришни таклиф этди. Эстония Конституциясига мувофиқ мамлакат президенти парламент томонидан сайланади.

❑ Афғонистон ҳукумат қўшинлари билан «Толибон» ҳаракати қуролли бўлинмалари ўртасида мамлакат ғарби ва жанубида яна жанглар бошланиб кетди.

❑ Хитойда ўтган ойда рўй берган мисли кўрилмаган сув тошқини оқибатида ҳозиргача 1500 киши ҳалок бўлган. 47 минг киши жароҳат олган, деб ҳисобланмоқда. Тошқин оқибатида 1,6 миллион экинзор сув остида қолди. Табиий офат етказган зарар 12 миллиард долларни ташкил этади.

❑ Бразилияда эндиликда балоғат ёшига етмаган ўсмирга ичкилик тутқазган фуқаро олти ойдан икки йилгача қамоққа ҳукм этилиши мумкин. Янги ҳукумат қарорига кўра 18 ёшга етмаганларга нафақат спиртли ичимликлар, балки пиво ҳам сотиш мумкин эмас.

❑ АҚШдаги Жорж Маршалл институти олимлари фикрича, ер юзида сўнгги йилларда ҳароратнинг муттасил кўтарилаётганлиги аввал тахмин этилганидек инсониятга унчалик хавф солмас экан. Уларнинг тадқиқотлари келгуси асрда курраи заминимизда ҳарорат ўртача атиги 0,01 даражага кўтарилишини кўрсатмоқда.

○ БУГУНГИ КУН НАФАСИ ○ БУГУНГИ КУН НАФАСИ ○ БУГУНГИ КУН НАФАСИ ○ БУГУНГИ КУН НАФАСИ ○ БУГУНГИ КУН НАФАСИ ○ БУГУНГИ КУН НАФАСИ ○

○ ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР ○ ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР ○ ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР ○ ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР ○

*Шу куннинг мавзуида*

# ЯХНА ИЧИМЛИКЛАР СЕРОБ

***«Бу йилги ёз мавсумида шаҳримизда чанқовбосди ичимликлар серобми?» деган саволга ҳеч иккиланмай «Ҳа, сероб» деган жавобни бериш мумкин. Чунки олдинги ичимлик танқис бўлган йиллардан тўғри хулоса чиқарган «Тошкентсавдо» бирлашмаси, «Роҳат» ҳиссадорлик жамияти, «Тошкентминералсувлари» корхонаси, «Лаззат» алкоголсиз ичимликлар ҳиссадорлик жамиятлари билан ҳамкорликда бу хусусда зарур бўлган барча чора-тадбирларни олдиндан кўриб қўйганди. Бунинг исботи учун қуйидаги мисолларни келтирмоқчимиз.***

«Тошкентминералсувлари» корхонаси кунига 250 минг шишага сув қуймоқда. Бу кўрсаткич олдинги йиллар билан таққосланганда анча ортиқ. Корхонада тўла қувват билан ишлаш учун маҳсулот етарли. «Тошкентминералсувлари» ўтган йилдан бошлаб икки турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга киришди. Корхона замонавий техника билан бойиди. Унинг ўз фирмали дўконлари бир нечта жойда фаолият кўрсатмоқда.

«Роҳат» ҳиссадорлик жамияти олдинги «Қибрай» яхна ичимликлар комбинати таркибида ташкил топди. Бу нарса биринчидан, жамоанинг ишга бўлган масъулиятини оширди, иккинчидан, маҳсулот сифатини яхшилашга олиб келди. Корхонада бир ойда 2 миллиондан ортиқ шишага сув қуйилмоқда. Бу олдинги йиллардан сезиларли даражада ортиқ. Шунингдек пиво қуйишда ҳам ўсиш кўрсаткичларига эришилмоқда. Энг муҳими корхонада шиша муаммоси тўла ҳал этилган. Қувасой шиша заводи бу маҳсулотни керагича етказиб бермоқда. Жамиятда ичимликлар тури 7 хилга етди. Корхонага қарашли «Ором» фирма дўконларининг юздан ортиқ шохобчалари республикамиз вилоятларида фаолият кўрсатмоқда.

Шунингдек «Лаззат» алкоголсиз ичимликлар ҳиссадорлик жамияти ҳам тўла қувват билан ишлаб, кунига идишларга 4-5 минг декалитр яхна ичимликлар қуйяпти.

Ҳар уччала корхона аҳолини бутун йил давомида, айниқса ёз ойларида етарли яхна ичимликлар билан таъминлашга астойдил бел боғлаганлиги юқоридаги далиллардан кўриниб турибди. Хўш, бу хайрли ишнинг акс садоси шаҳримиз дўконларида қай тарзда кўринади? Мана шу саволга жавоб топиш ниятида пойтахтимизнинг бир нечта савдо нуқталарида ҳам бўлдик.

Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Чимён» жамоа корхонасида яхна ичимликлар мўлкўллигини кўриб қувондик. Савдо пештахталарига ичимликлар уюб ташланган. Улар орасида турли-туманлари мавжуд. Тошкент сувидан тортиб ичимликнинг «Навбаҳор» деган янги туригача учратасиз бу ерда. Чиндан ҳам 75 кишилик бу жамоа катта бир корхона кўринишини эслатади. Жамоага кекса савдо ходими Содиқ Исҳоқов бошчилик қилади.

— Ҳозир айни ёз палласи. Шунинг учун ҳам харидорларимизнинг кўпчилигини яхна ичимликларни савдо қилиш учун келган кишилар ташкил этади. Шуни ўйлаб улар истаган ичимлик турини муҳайё қилишга ҳаракат қиляпмиз. Шаҳримиздаги барча яхна ичимлик корхоналари билан тўғридан-тўғри шартнома боғлаганмиз, — дейди бизга Содиқ Исҳоқов.

Айниқса ушбу корхонада бизни қувонтирган нарса татиб кўриш бурчагининг ташкил этилганлигида бўлди. Ичимлик харид қилгани келган харидор бу ерда истаган маҳсулоти сифатини татиб кўриб, кейин харид қилиш имкониятига эга. Умуман бу янгиликдан шаҳримиздаги бошқа дўконлар ҳам ўрнак олишса ёмон бўлмасди.

Чилонзор туманидаги 1-дўконда «Юнусободсавдо»га қарашли 17-дўконда, Сергели «Озуқа» жамоа фирмасининг 25-дўконида, Миробод туманининг «Тинчлик» жамоа корхонасида, Ҳамза савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятининг 25-дўконида чанқовбосди ичимликлар мўл-кўллигига ишонч ҳосил қилдик.

Шу ўринда бир нарсани айтиб қўйиш жоиз деб ўйлаймиз. Албатта юқоридаги фикрлардан шаҳримизнинг барча дўконларида чанқовбосди ичимликларнинг ҳамма тури топилади, уларнинг нархлари ҳам бир хил, деган хулоса чиқармаслик керак. Сафаримиз давомида фақат Тошкент суви ёки «Кока-кола», «Фанта» сотиш билан чегараланиб қолган нуқталарни ҳам учратдик. Тўғри, уларда ҳам яхна ичимликлар бор. Лекин тури кам. Нархларида ҳам тафовутлар сезилади. «Нега шундай?», деб сўрасангиз сотувчилар: «Бизга маҳсулот шу нархда келиб тушяпти»деган жавобни беришади. Бундайлар сирасига Бектемир туманига қарашли 1-дўкон, Сергелидаги «Орзу-ният» дўкони, Собир Раҳимов туманидаги 46-дўкон, Юнусобод туманига қарашли 29-дўконларни киритиш мумкин.

Ёз жазирамасида ҳамшаҳарларимиз орасида яхна ичимликлар билан бир қаторда музқаймоққа ҳам талаб ортади. Мана шу талаблар қандай бажарилаётганини билиш мақсадида «Тошкентмузқаймоқ» жамоа корхонасида ҳам бўлдик.

— Ҳамшаҳарларимизнинг музқаймоққа бўлган эҳтиёжларини қондириш йўлида бажонидил хизмат қиляпмиз, — дейди бизга корхона директори ўринбосари Воҳид Каримов.

Корхона ишлаб чиқариши билан танишдик. Цехлар бир меъёрда ишлаб турибди. Уларнинг ёрдамида бир кунда уч тоннадан ортиқ маҳсулот тайёрланмоқда.

— Ҳозирча истеъмолчиларимизга шу маҳсулот етиб турибди, — дейди сўзини давом эттириб Воҳид Каримов. — Агар талаб ошса бу кўрсаткични 2-3 баробар кўпайтириш имконига эгамиз.

150 киши ишлаётган корхонада шу кунларда 12 турдаги маҳсулот чиқарилмоқда.

Ўзбекистон гўшт ва сут савдо ассоциациясига қарашли ушбу корхонага олдинлари асосий маҳсулотлар четдан келтириларди. Уларга кетадиган сарф-харажатларнинг катталигини ҳисобга олиб, бунга барҳам берилди. Ҳозир корхона учун керакли буюмларнинг барчаси шу ернинг ўзида тайёрланмоқда.

«Нега дўконларда музқаймоқ нархлари қиммат?» деган саволимизга директор ўринбосари шундай жавоб берди:

— Масалан бизда бир дона пломбир 11 сўм 3 тийин, мевали музқаймоқ 7 сўм 24 тийин туради. Албатта бу нарх харидорни қониқтиради. Лекин биздан музқаймоқ олиб кетадиган ташкилотлар маҳсулот устига яна 20 фоиздан 43 фоизгача устама нарх қўйиб сотишади. Шуни ҳисобга олиб ўзимизнинг савдо нуқталаримизни очишга ҳаракат қиляпмиз. Яқин орада музқаймоқ сотишга мўлжалланган 150 та совутгич харид қиляпмиз. Ҳозирги кунда эса 30-35 фоиз маҳсулотимиз фирмали савдо дўконлари орқали сотиляпти.

Хулоса қилиб айтганда, шаҳримизда музқаймоқ ва яхна ичимликлар ишлаб чиқариш корхоналари аҳолининг талаб ва истакларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот тайёрлашяпти. Улар пойтахтимиз аҳолисини айниқса жазирама ёз мавсумида чанқовбосди маҳсулот ва ичимликлар билан таъминлашга масъул эканликларини англаган ҳолда зиммаларидаги вазифани адо этишга ҳаракат қилишяпти. Мана шу меҳнат самараси ўлароқ бугунги кунда шаҳримизда яхна ичимликлар сероб.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

*Болалар — келажагимиз*

# «АСАЛТОЙ»ДА ШОДИЁНА

***Болаларга илк таълимни бериб, ахлоқ-одоб, катталарни ҳурмат қилишга ўргатиш, улар онгига мустақиллик, эркинлик тушунчаларини сингдиришдек савоб ишлар кам бўлса керак дунёда. «Асалтой» номли 12-болалар боғчаси ҳам ана шундай намунали тарбия ўчоқларидан ҳисобланади.***

Яқинда файзли тус олган залда боғча ташкил этилганлигининг 50 йиллиги нишонланди. Ушбу тантанага яқин атрофдаги «Янги ҳаёт» маҳалласи фаоллари, шу тарбия масканида узоқ йиллар ишлаб нафақага чиққан 9 нафар собиқ боғча ходимлари таклиф этилди.

Тадбир давомида боғчадаги «Нилуфар» болалар дастаси иштирокчилари устозлар, оналар, мустақил юрт тўғрисида шеър, қўшиқлар ижро этишди, қувноқ рақсларга тушишди. Боғчанинг нафақадаги фахрий ходимларига ҳомийлар — Тошкент экскаваторларни таъмирлаш заводи, «Алгоритм» корхонаси, «Шарқона ҳаёт» фирмаси ва боғча маъмуриятининг совғалари топширилди. «Янги ҳаёт» маҳалласи оқсоқоли М. Турсунов, шу боғча ташкил қилинганидан бошлаб 40 йилдан ошиқ уни бошқарган А. Эрматова ва бошқалар боғча жамоасига ўз дил сўзларини изҳор қилишди.

Сўнг эса жажжилар ўртасида «Соғлом авлод учун» спорт мусобақалари бошланди. Унда болалар 60 метрга чопиш, велосипедларда пойга ўйнаш, копток, байроқчали, мусиқали ўйинларда қатнашиб тоза яйрашди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ.

*Эсингизда тутинг*

# МАСЛАҲАТЛАРИМИЗ

Сабзавотлар терилгандан сўнг қанча кам сақланса, таркибидаги дармондорилар шунча кўп бўлади. Сақлаш лозим бўлганда ҳам қуруқ ва салқин жойга қўйиш керак.

* * *

Сабзавотларни зангламайдиган пўлатдан қилинган пичоқда тўғраган маъқул, чунки темир пичоқ улардаги С дармондорисини камайтиради.

* * *

Помидорни сирли идишга солиб, устини ёпмасдан музлатгичнинг энг пастки токчасига қўйилса, узоқ вақт яхши сақланади.

* * *

Ёрилган помидор пих боғламаслиги учун ёрилган жойига туз сепиб қўйинг.

* * *

Қайнатиб пиширилган сабзавотларни ўша сувда қолдириб бўлмайди. Акс ҳолда улар бемаза бўлиб қолади. Гулкарам бундан мустасно, уни ўзи пишган сувида бир оз сақлаб туриш тавсия қилинади.

* * *

Карам сирка билан димланса, диркиллаб туради. Гулкарамни сут билан дамлашни тавсия этамиз.

Дурдона АЗИЗОВА.



*Саҳнадаги мулоқотдан табиат қўйнидаги мулоқот барибир бошқача.*




*Табиат ажойиботлари*

# ЧЎЛ КЕМАСИ

***Бир қарашда табиат чўлдан ўз эҳсонини аягандек туюлади. Чўл — атроф жазирама, ўсимлик ва ҳайвонлари кам. Бироқ чўлда кишини таажжубга соладиган ажойиб ҳайвонларни кўрасиз. Шулардан бири — чўлда савлат тўкиб юрувчи собитқадам туялардир. Унинг баландлиги икки метр, вазни 700-1000 килограмм атрофида. Улар бир ва икки ўркачли бўлади. Бир ўркачли туя малла ранг-қизғиш, икки ўркачли туя эса тўқ қўнғир ранг бўлади.***

Туя — чўлнинг мўъжизаси, қолаверса, табиатнинг мўъжизакор туҳфасидир. Туяни яратишда табиат унга оқилона ёндошган. У ўзи ҳаёт кечирадиган муҳитга жуда мослашган: оёғининг панжаси кенг, худди лаганчага ўхшайди, қумга ботиб кетмайди. Панжаларининг таги қалин қадоқлар билан қопланган. Бу эса ёзда қизиган қумнинг иссиғини, қишда эса совуқни ўтказмайдиган ажойиб «пойабзал»дир. Туянинг узун бўйни чўл шароитида ўсадиган паст бўйли ўт-ўланларни қамраб олиш имкониятини беради.

Туя — «чўл кемаси»дир. Чўл шароитида юришга мосланган автомобиль ва бошқа техника воситалари бўлмаган вақтларда бепоён чўллардан юклар туя карвонларида ташиб ўтилган. Одатда океанда узоқ сафарга чиқадиган кемалар етарли миқдорда озиқ ва чучук сув ғамлаб олади. Туя бир йўла 10-15 челак сув ича олади. Чучук сув бўлмаганида у шўр сувни ҳам ичиб кетаверади. Туянинг ўркачларида 100 килограммдан ортиқ ёғ тўпланиши мумкин. Ўркач туялар учун ғамлаб қўйилган озиқ-овқатдир. Чўл шароитида туялар ўркачидаги ғамланган озуғи ҳисобига икки ҳафтагача овқат емай, ўн кунгача сув ичмай юра олади. Урғочи туялар айни вақтда сут ҳам бераверади. Туянинг сути ва ундан тайёрланган қумрон жуда тўйимли ва чанқоқни босадиган озуқа вазифасини ўтайди.

У бир йўла кўп сув ичишидан ташқари, ошқозонининг деворчаларида жуда майда чуқурчаларга ҳам сув ғамлаб олади ва уни аста-секин истеъмол этиб боради. Узоқ сафарда, узоқ муддат озуқасиз ва сувсиз юрган туяларнинг ўркачи бўшашиб, ён томонга оғиб тушади. Туялар тўйиб озиқлана бошлагач, ўркачлари яна тўлишиб, тикланади. Туя чўлнинг жазирама иссиғида ўз вазнини йўқотганида ҳам омон қолиб, ҳаёт кечираверади. Инсон ва ҳайвонларнинг тана ҳарорати доимо бир хилда бўлади. Тана ҳароратининг кўтарилиши бетоблик белгиси ҳисобланади. Туянинг тана ҳарорати эса, шароитга қараб ўзгариб туради. Соғлом туянинг танасидаги ҳарорат кун қизиган тушки пайтда қирқ даражага кўтарилса, тунги салқинда 34 даражага тушади. Шундай қилиб, кундуз куни танадаги нам, тунда эса танадаги озуқ запаслари тежаб қолинади.

У бесўнақай, вазмин бўлишига қарамай, кези келганда соатига 30 километр тезликда чопа олади. Улар ниҳоят даражада чидамли, қаноатли ҳайвон бўлиб, 50 асрдан буён инсон хизматида. Туя — чўлда яшовчиларнинг тирикчилик манбаи, транспорт воситаси — «чўл кемаси»дир. У отдан икки баравар кучлироқ. Туя 250 килограмм юк ортилган ҳолда соатига 4-6 километр тезликда, кунига тўхтовсиз 12 соат юриши мумкин. У бир йўла 500 килограммгача юк кўтара олади. Туя турли шароитга тез кўникади. Озуқ танламайди: янтоқ, шўра ва шувоқ каби ўсимликлар билан озиқланаверади. Тиканакли ўсимликларни ҳам бемалол ейди, чунки туянинг лаби, танглайи ва томоғи тикан таъсир этмайдиган қалин тери билан қопланган.

Туя гўшти мазали бўлади. Ундан кунига 10-15 литргача сут соғиб олиш мумкин. Урғочи туя 12—18 ой мобайнида сут беради. Унинг сутидан сифатли ёғ, пишлоқ, доривор ичимлик ва бошқа маҳсулотлар тайёрланади. Туя жуни тўқимачилик саноати учун қимматли хом-ашё ҳисобланади. Жунининг толаси пишиқлиги жиҳатидан қўй жунидан устун туради. Унинг терисидан меш, оёқ кийим ва бошқа буюмлар ишланади. Туя тезаги чўлдаги асосий ёқилғидир. У эгасига ниҳоятда вафодор ва содиқ дўстдир. Агар уни бирор киши хафа қилса узоқ вақтгача кек сақлаш одати ҳам бор.

Доно АҲМЕДОВА.

*Соғлигингиз ўз қўлингизда*

# САРАТОН ВА САЛОМАТЛИК

***Инсон танасининг муҳим хусусиятларидан бири унинг ташқи муҳит таъсирига мослаша олиши саналади. Иссиқ иқлим шароитига мослашишда эса муҳими — танани чиниқтириш, вақтида тўғри овқатланиш ва терлашдир.***



## ТЕРЛАБ ТУРИШ ФОЙДАЛИ

***Кундалик ҳаво ҳарорати юқори бўлганида тананинг иссиқ алмашиш қобилияти сезиларли даражада пасайиши мумкин. Мана шундай ҳолатдан сақланишнинг бирдан-бир воситаси терлашдир.***

Маълумки, одам танасида мураккаб модда алмашиниш жараёнида иссиқлик қуввати пайдо бўлади, бу қувват ўз навбатида атроф- муҳитга доимий равишда ажралиб туради. Масалан, мушакларнинг бир кунлик енгил ишлаши орқали ўртача 3000 калория қувват ишлаб чиқариши сўзимизнинг исботи бўлиши мумкин. Инсон танаси шундай мураккаб тузилганки, унда иссиқлик қуввати ҳосил бўлиши билан бирга, уни тарқатиш жараёни ҳам бир вақтда давом этади. Бу жараён асосан буғланиш ва терлаш ҳисобига амалга оширилади.

Агарда инсон танасида узлуксиз давом этадиган мураккаб иссиқлик алмашиш жараёни касалланиш оқибатида икки соатча издан чиқса, саломатликка ёмон таъсир қилиб, тана ҳароратининг икки-уч даражага кўтарилишига олиб келиши мумкин. Шифокорларнинг кўп йиллик кузатишларидан шу нарса аниқланганки, баъзи бир одамлар кўп терласа, баъзи бировлар, аксинча, жуда кам терлар экан. Бундай бўлиши бир неча сабабларга, жумладан кундалик ҳаво ҳароратига, қуёш нурининг таъсирига, шамолнинг тезлиги, ҳавонинг нисбий намлиги, кийим ранги, унинг қалин-юпқалигига, иш шароитига, ниҳоят тананинг ҳолатига ва бошқа сабабларга боғлиқдир.

Ҳарорат юқори бўлганида, катта ёшдаги кишилар кун давомида тер билан ўртача 4-5 литр, айрим ҳолларда эса бундан ҳам кўпроқ суюқлик, шу билан бир вақтда тер билан бирга ўртача 20-30 грамм ош тузини ҳам йўқотар эканлар. Бу ўринли терлаш фойдалими ёки зарарлими деган саволнинг туғилиши табиийдир. Иссиқ иқлим шароитида терлаш фойдалидир, чунки танадан тернинг ажралиб чиқиши, тери юзасида ажралиб чиққан суюқликни тери юзасида буғланиши, инсон танасининг юқори ҳарорат шароитида совушига, кайфиятнинг яхшиланишига, ишлаш қобилиятининг ортишига олиб келади. Лекин тартибсиз суюқлик истеъмол қилиш натижасида ўта терлаш зарарли ҳисобланиб, саломатликка зарар етказиши мумкин, чунки бундай ҳолларда одам танасидан тер билан бирга фойдали бўлган сувда эрувчи дармондорилар, танада суюқликни сақлаб қолувчи фойдали минерал тузлар керагидан кўп чиқиб кетади. Демак, терлаш борасида ҳам меъёр талабига амал қилиш фойдадан ҳоли эмас.

## ОФТОБ УРИШИДАН САҚЛАНИШ

***Юқори ҳарорат ва қуёш нурининг бир вақтда таъсир қилиши оқибатида инсон танасида бир қанча ҳоллар содир бўлиши мумкин, хусусан гипертермия ёки тананинг қизиб кетиши, иссиқ уриши, қуёш уриши, инсон танасини турли ҳолатда суюқлик йўқотиши ва ҳоказо.***

Енгил ҳолатдаги гипертермияда инсон иштаҳасини йўқотиб, қаттиқ чанқоқликка шикоят қилади, лоҳас бўлади ва бундай ҳолатга тушган кишиларнинг уйқуга мойилликлари ортади. Шу билан бирга уларнинг тана ҳароратлари кўтарилиб, қон томирларининг уриши, нафас олишлари тезлашади, тананинг терлаши кучаяди.

Ўртача гипертермия содир бўлганида юқоридаги шикоятларга бошнинг оғриши, айланиши, нафас қисилиши, юз терисининг кўкариб кетиши ҳамда бутун тананинг бўшашиб кетиш аломатлари қўшилади. Иссиқ урганида эса тана ҳароратини кўтарилиши билан бирга беҳушлик, лабларнинг кўкариб кетиши, қон-томир уришини тезлашиши ва сусайиши, тананинг терлаш қобилияти кескин камайиб, айрим ҳолларда бутунлай тўхтаб қолиши мумкин. Қуёш урган ҳолларда тана ҳарорати бироз кўтарилиб, бошқа клиник белгилар эса худди иссиқ урганга ўхшаш бўлади.

Юқоридаги кўнгилсиз ҳоллар юз берган тақдирда дарҳол беморнинг иссиқлик алмашиш қобилиятини тиклашга уриниш лозим. Ҳамма ҳолларда ҳам беморни зудлик билан юқори ҳарорат ва қуёш нурининг салбий таъсиридан соя-салқин ерга олиб ўтиш, унга душ ёки ванна олишига шароит яратиш керак. Бемор ҳолатини енгиллатиш учун унга сув ичириш, бунинг иложи бўлмаса, тери остига ёки қон томирга (венага) шифокор ёрдамида ва назоратида физиологик суюқлик юбориш, шу билан бирга юрак фаолиятини яхшилаш мақсадида дори-дармонлар қилиш айни муддаодир.

## ОВҚАТЛАНИШ МЕЪЁРИ

***Ёзда овқатланишни тўғри ташкил қилиш, жумладан сарёғ, оқсилга бой овқатлар (ош, турли хил қовурма таомлар) ўрнига енгил ҳазм бўладиган, таркибида дармондорилар, минерал тузлар ва биологик фаол моддалар сероб бўлган суюқ таомлар, мева шарбатлари, қатиқ, сут каби маҳсулотлардан тановул қилиш айни муддаодир.***

Ёзнинг иссиқ кунларида овқатларни шўртаъмроқ истеъмол қилиш зарур, чунки ош тузи тана тўқималарида суюқликни сақлаб қолинишига сабаб бўлади. Шу билан бирга ёзнинг иссиқ саратон ойларида кунлик овқатнинг асосий қисмини эрталаб ва кечки салқинда ейиш фойдали эканлигини унутманг. Суюқликка бўлган талабни қондириш ҳақида гапирадиган бўлсак, шу кунларда кўк чой ичиш айни муддаодир. Унинг чанқовбосди хусусияти шундаки, кўк чойнинг тана тўқималарида нисбатан узоқ сақланиши физиолог олимлар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилган. Олча аралаштирилиб тайёрланган турли хил мева шарбатлари ҳам ташналикка қарши самарали воситадир.

Абдуваҳоб ТОҲИРИЙ,
шифокор.

*Ножўя иш — келтирар ташвиш*

## НИҚОБЛИ БОСҚИНЧИЛАР

Босқинчилик жинояти гарчи Тошкентда кам учраса-да баъзида унинг оқибатида фуқароларга ҳам маънан, ҳам моддий зарар етказилади. Миробод туманида яшовчи Х. Тошматнинг уйига девор орқали номаълум кишилар бостириб киради. Босқинчилар юзларига ўзларини танитмаслик учун ниқоблар кийиб олишганди. Тошмат оғзини очаман дегунча иккита мушт келиб тушди. Кутилмаганда улардан бири унинг бўйнига пичоқ тортиб юборди. Босқинчилар ундан уйида нималар борлигини сўраб, катта миқдорда пул талаб қилишди. Тошмат бор-йўғи 10 минг сўм атрофида пули борлигини айтгандан кейин босқинчиларнинг бири унинг оёқ-қўлини телефон сими билан боғлаб ташлади.

Уйнинг ҳамма ёғини тит-питини чиқаришиб, қимматбаҳо нарсаларни излашди. 3 та гилам, видеомагнитофон, «Зафар» русумли телевизор, 20 та видео, 10 та аудио кассета, 9 хилдаги тилла тақинчоқлар, 8 минг 600 сўм пулни олиб кетишди.

Миробод тумани ИИБси жиноят-қидирув хизмати ходимлари томонидан юқоридаги босқинчиликни амалга оширган, яшаш жойининг тайини бўлмаган дайди Т. Дмитрий, Ш. Аҳмад, С. Нуриддин, З. Норматлар ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

## ЖИНОЯТ САБАБИ

Мирзо Улуғбек туманидаги Муртазоев кўчасида ҳам жиноятчилар «Рангли лок» корхонасида ишлайдиган А. Валижоннинг уйига босқинчиликка тушишади. Ниқоб кийиб олган уч номаълум кимса хонадон соҳибига жисмоний куч ишлатиб уйдан «Фунай» видеомагнитафони, аёллар чарм камзулини олиб кетади.

Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бошқармаси ходимлари ўтказган тадбирлар ўз самарасини берди. Ҳеч қаерда ишламайдиган Раҳмат, Илья, Асқар исмли ёш йигитлар қўлга олинди. Буюмлар эгасига қайтарилди.

Моддий етишмовчилик бу ёшларни жиноятга қўл уришга мажбур этган десак янглишамиз. Ваҳоланки бу йигитларнинг ҳаммаси ўзига тўқ оилаларнинг фарзандлари. Маънавий қашшоқлик уларни жиноятга бошлаган десак тўғри бўлади.

## ЖОМАДОНДАГИ ДОЛЛАРЛАР

Яккасарой туманининг Исломбеков кўчасидаги уйлардан бирига бир зумга кириб кетган Абдулла машинасидаги жомадондаги 550 АҚШ доллари, 15 минг сўм пул, 3 та муҳр ва бошқа ҳужжатларни ўғирлаб кетишади, деб ўйламаганди. Чунки у бор-йўғи беш дақиқага кирганди.

Туман ички ишлар бошқармаси ходимлари бўлиб ўтган ҳодисани эшитгач, жиноятни очишга киришдилар. Ҳамма гумондорлар ўрганиб чиқилди. Жиноятнинг бунчалик тез содир бўлишига нималар сабабчи эканлиги аниқланди. Ўғрилар Абдулланинг таниши бўлиб чиқди. Шаҳримиздаги фирмалардан бирида директор бўлиб ишлайдиган А. Асатилло ва унинг ҳамтовоғи С. Тенляр уни анчадан бери кузатиб юришган экан. Пайт пойлаб улар ғаразли мақсадларини амалга оширишмоқчи эдилар. Аммо қўлга тушишди. Ҳозир бу жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

## ГАЗЛАМА ЎҒРИЛАРИ

Тошкент тўқимачилик корхонасидан кўп миқдорда газламаларни ўғирлашга уринган кимсалар ички ишлар ходимлари томонидан ўз вақтида ушлаб қолинди. Уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилмоқда.

Жумладан, шу корхонада ишловчи Т. Эшмат 57 метр «Роҳат» газламасини, Ҳ. Нурмат 59 метр сатин газламасини ўғирлашга уринганида қўлга тушишди.

Шу корхонадан ўғирлаб чиққан 150 метр матони Бошлиқ мавзесида ўзаро бўлишаётган ишчилар Насиба, Вазирахонлар ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди.

## БОЛАЛАРГА ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Ёзги таътилга чиққан мактаб ўқувчиларини бугун шаҳримизнинг турли бурчагида учратасиз. Айрим ота-оналар болаларни дам олиш масканларига жўнатишга улгурган бўлишса, баъзилар имконият даражасида шаҳарда дам олишмоқда. Очиғини айтиш керак, баъзида болалар тарбиясига лоқайдлик билан қараймиз. Бу эса ота-оналарга қимматга тушади.

Собир Раҳимов туманидан оқиб ўтувчи ариқлардан бирида чўмилиб юрган 5-синф ўқувчиси Лена сувга чўкиб кетди.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,
*Тошкент шаҳар ИИББси матбуот хизмати ходими.*

*Турфа олам*

# АКТЁРМИ, ИШБИЛАРМОН

***Голливуд — кино юлдузларининг маскани. Йўқ, бу сафар биз уларнинг янги кашф этилаётган ҳамкасблари тўғрисида гапирмоқчи эмасмиз, балки машҳур юлдузларнинг тадбиркорлиги, иқтисодиёт дея аталмиш мураккаб соҳанинг устаси бўлиб кетганликларидан ҳайратимизни яширолмаяпмиз холос.***

Масалан, машҳур киноактёр Фрэнк Синатранинг даромади 400 миллион долларни ташкил этса, комик ижрочи Боб Хоупнинг даромади уникидан сира қолишмайди. Агар бу пулларни актёрлар ўз касбий маҳоратлари натижасида топганлар, дея ҳисоблаётган бўлсангиз янглишасиз. Голливудда актёрлик касбининг орқасидан нон ейиш мушкул ҳамда ишончсиздир. Шу сабабдан ҳам актёр учун тадбиркор-ишбилармон бўла олиш ҳаёт тақозосидир. Пулинг борми, улар яна янги пул оқимини ҳосил қилиши учун интилгин!

Айтишларича, Хоупнинг миллиардлаб даромади ер участкалари ва кўчмас мулк билан боғлиқ олди-сотдилардан бунёд бўлган. Сильвестр Сталлоне, Арнольд Шварценнегер, Брюс Уиллислар қора танли комик актёр Вуди Голдберг билан ҳамкорликда «Пленет Холливуд интернэшнл» компаниясини ташкил этишди. Унинг Калифорния штатидаги Орландо шаҳрида қароргоҳи бўлиб, дунёнинг тўққиз мамлакатида 31 та ресторан мана шу компания тасаррufидадир.

*Қатра хандалар*

## ФАРҚ

Бир куни Суқрот бир бой билан йўлда кетаётган эди. Шунда улар яқин атрофда қароқчилар юрганлигини эшитиб қолишди.

— Вой, улар мени билиб қолишса, шўрим қурийди-ку! — дебди бой.

— Вой, улар мени танимай қолишса шўрим қурийди! — дебди бунга жавобан Суқрот.

## МУҲИМИ

Станиславский «Камомадчилар» томошаси репетицияси вақтида бир ёш актёрга шундай деган экан:

— Яхши ўйнашингиз мумкин. Ёмон ўйнашингиз ҳам мумкин. Хоҳлаганингизча ўйнанг. Бу мени қизиқтирмайди. Менга сизнинг тўғри ўйнашингиз муҳим.

Мирзаали АКБАРОВ
тўплаган.

Бош муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ

